

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**86** «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
19 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2088*

*(2010 йил 29 мартаң кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда) 5-банди ижросини таъминлаш максадида **қарор қиласидар**:

1. «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 19 февраль,  
14-сон

**Давлат солик  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 19 февраль,  
2010-5-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солик  
қўмитасининг 2010 йил 19 февралдаги  
14, 2010-5-сонли қарорига  
ИЛОВА

**«Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичидаги  
маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард  
истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига,  
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан  
ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий  
ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7 моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 52-сон, 560-модда) мувофиқ «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичидаги маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари учун тизим ичидаги маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар (кейинги ўринларда мақсадли жамғармаларга табиий газни сотишдан мажбурий ажратмалар деб юритилади) тўлаш тартиби жорий этилган.

2. Мазкур Низом тизим ичидай газни етказиб беришни амалга оширувчи мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарига татбиқ этилади.

3. Мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган корхоналар ўртасида табиий газни етказиб бериш тизим ичидай ҳисобланади, шу жумладан нефть ва газни қазиб олувчи корхоналардан газни қайта ишловчи ва газ транспорти корхоналаригача, шунингдек газни қайта ишловчи корхоналардан газ транспорти корхоналаригача етказиш.

## **II. Табиий газни сотишдан мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва ҳисбот топшириш тартиби**

4. «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни пировард истеъмолчига етказиб берилган табиий газ хажмидан, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегириб ташлаган ҳолда ҳисоблайди ва тўлайди. Бунда пировард истеъмолчи бўлиб мазкур Низомнинг иловасида кўрсатиб ўтилмаган шахс ҳисобланади.

5. «Ўзтрансгаз» АҚ орқали табиий газ транспортировкаси бўйича хизмат кўрсатиш шартномаларига асосан табиий газ транспортировкасини амалга оширадиган корхоналар ушбу табиий газни сотиш хажмидан мажбурий ажратмаларни Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди.

6. «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари солиқ ҳисботи шаклларида Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича солиқ солиш базасидан чиқариладиган тизим ичидай етказиб берилган табиий газ хажмини алоҳида сатрда кўрсатади.

## **III. Якуний қоидалар**

7. Мазкур Низом талабларига риоя этиш бўйича жавобгарлик «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юклатилади.

8. Мазкур Низомга риоя этиш устидан назорат Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

9. Мазкур Низом «Ўзбекнефтгаз» МХК билан келишилган.

**«Ўзбекнефтгаз» МХК  
Бошқаруви раиси**

**У. НАЗАРОВ**

2010 йил 18 февраль

«Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби хақидаги низомга илова

**Табиий газни тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича «Ўзбекнефтгаз» МХК  
КОРХОНАЛАРИ**

1. «Муборакнефтгаз» УШК
2. «Шўртаннефтгаз» УШК
3. «Газлинефтгазқазиши» УШК
4. «Устюргаз» УШК
5. «Андижоннефть» ОАЖ
6. «Гиссаннефтгаз» ҚҚ\*
7. «Кўкдумалоқгаз» ҚҚ\*
8. «Муборак ГҚЗ» УШК
9. «Шўртан ГҚК» УШК
10. «Ўзтрансгаз» АК

Изоҳ:

\* «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясига етказиб берилган табиий газ ҳажми бўйича.